

БУЮК АЖДОДЛАРИМIZ МЕРОСИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ж. Юнусалиев

Қўқон давлат педагогика институти тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда умумий ўрта таълимда ўқитилаётган Ўзбекистон тарихи фани дарсликларининг мазмунни, сифати, ўқитилиши ҳолати, мазкур дарсликларда олис ва яқин тарихимизнинг ёритилиши, бугунги кун қаҳрамонлари ва уларни дарсликларда қандай ёритиб берилаётгани, тарих фанига ажратилган дарс соатлари, шунингдек, Ватанимиз тарихи фанидан машғулотлар олиб бораётган ўқитувчилар салоҳияти, билими, илмий тадқиқотларнинг ҳолати каби бир қатор муҳим масалалар таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Калим сўзлар: умумий ўрта таълим, илмий дунёқараши, тарих фани дарсликлари, мазмунни, сифати, таклиф ва тавсиялар.

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о содержании, качестве, статусе учебников по истории Узбекистана, преподаваемых в общем среднем образовании, освещении в этих учебниках нашей недавней и новейшей истории, сегодняшних героев и о том, как они освещаются в учебниках, на уроках истории, а также как уроки по истории нашей страны. Высказывался ряд важных вопросов, таких как потенциал учителей, знания, состояние научных исследований, предложения и рекомендации.

Ключевые слова: общее среднее образование, научное мировоззрение, учебники истории, содержание, качество, предложения и рекомендации.

ABSTRACT

The article describes the content, quality, status of textbooks on the history of Uzbekistan taught in general secondary education, coverage of our recent and recent history in these textbooks, today's heroes and how they are covered in textbooks, history lessons, as well as lessons on the history of our country. A number of important issues such as the potential of teachers, knowledge, the state of scientific research, suggestions and recommendations were expressed.

Keywords: general secondary education, scientific outlook, history textbooks, content, quality, suggestions and recommendations.

КИРИШ

Жамиятимизнинг янги тараққиёт босқичида халқимизнинг тарихий хотирасини шакллантириш ва унга муносабатини тўғри йўналтириш муҳим ижтимоий-педагогик заруратдир. Бунинг учун тарих фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, янгича ёндашувларни олиб кириш, тарихни талқин қилишда объективликни таъминлаш, тарихни ўргатувчи адабиётларни шакллантиришда мафкуралаштириш ва сиёсий мақсадлардан холилигини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Зеро, “шиддат билан ўзгараётган замон олдимиизга янги, биз илгари дуч келмаган муаммоларни, жуда ўткир саволларни кўндаланг қўймоқда. Уларга муносиб жавоб топиш ва оқилона ечиш учун ҳар жиҳатдан тайёр бўлишимиз керак”¹. Шундай экан, тарих фанинг футурологик функциясига таянган ҳолда ўтмишни бағолаш, унга холисона муносабатни шакллантириш орқали келажакни қуриш йўлларини, замонавийлаштириш тенденцияларини ишлаб чиқиш зарурати ортиб бормоқда. Бундай замонавийлаштириш жараёни орқали тарих таълими сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга уни ўрганувчиларда тарихий-илмий дунёқарашни шакллантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмқода.

Бу жараёнда буюк аждодларимиз, мутафаккир-алломаларнинг илмий мероси, илм-фанинг турли соҳалари учун қўшган улуши ва асарлари, илмий ғоя ва назарияларини умумий ўрта таълимда ўқитиш тизими такомиллаштириш, янгича ёндашувлар асосида инновацион педагогик технологияларни ишлаб чиқиш орқали ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш мумкинлиги фараз қилинмоқда. Шу боис мазкур тадқиқот ишида ҳам бу фаразни илмий асослаш мақсад қилинган ва амалга ошириш технологиясни яратиш кўзда тутилган. Зеро, «ўз миллий тарихива маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал вамаънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлашва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлатва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди»². Демак, буюк мутафаккирларимизнинг илмий мероси воситасида ўқувчиларнинг илмий фаолияти, қизиқишлари ва фанларни ўрганиш истагига таъсир кўрсатиш ва бу орқали уларда юксак дунёқараш ва теран тафаккурли кадрлар сифатида тарбиялаш устувор вазифалардан биридир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2020. 4-жилд –Б. 159.

² Мирзиёев Ш.М. 2017. 24 июнь. “Халқсўзи” газетаси

Давлат таълим стандартларини бажариш учун педагоглар олдига қуидаги вазифалар юкланди:

дарснинг мақсади ва мазмун-моҳиятини чуқур англаб этиш;

дарс жараёнини тўғри ва аниқ манбаларга асосланиб ташкил этиш;

мавзуни ўзлаштириш ва ўргатиш нуқтаи назаридан педагогик фаолиятга эга бўлиш;

фанлараро интеграция қоидаларини пухта эгаллаш;

давр ва замон тушунчаларини аниқ манба, воқеа ва ҳодисалар билан мутаносиблигини таъминлай билиш;

мавзуга оид қўшимча маълумотлар ва манбаларни боғлай билиш салоҳиятига эга бўлиш;

буюк аждодларимизнинг илмий фаолиятини жамлаган илмий асарларини ўрганиш, уларни таҳдил қили билиш ва ижтимоий аҳамиятини баҳолай олиш.

2.3.1-шакл. Давлат таълим стандартларини бажариш учун педагоглар юкланадиган вазифалар

Буюк аждодларнинг маънавий мероси воситасида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш педагог ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади. Бугунги тарих дарслари тарихий фактларни ўрганиш билан кифояланадиган бир шароитда янгича методика билан тарихий жараёнларнинг қонуниятларини ўқувчилар томонидан англашларига йўналтириш уларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш йўлидаги муҳим вазифалардан биридир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мактаб таълимида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун ўқитувчи тарих дарслари синфдан синфга такомиллашиб боришини системали равишда кузатиб бормоги керак. Айниқса юқори синф ўқувчиларида илмий дунёқарашни ривожлантиришда тарихий жараённинг амалий аҳамияти билан танишириш орқали таъсир кўрсатиш механизmlарини ишлаб чиқиши лозим. Зоро, тарих дарси жамиятда содир бўладиган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар талаби даражаси билан, шунингдек, илм-фен, маданият ва айниқса маънавиятда содир бўладиган ўзгаришлар талаби

асосида доимо ривожланиб боради. Шу боис мактаб таълимида тарих фанини ўқитиши орқали жамиятнинг маданий ўзгаришлар билан юзлашгандаги позициясини оптималлаштириш долзарб вазифадир. Бунинг учун эса, “таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқитиши сифати ва педагог ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган “Замонавий мактаб” давлат дастурини амалга ошириш”³ давлатнинг пировард вазифалари сифатида майдонга чиқмоқда.

Хозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиилар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишлари, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади⁴.

Мактаб таълимида тарих фанини замонавий методикаси асосида, реал кейслар билан ўқитиши орқали илмий дунёқарашни ривожлантиришда ва дарс самарадорлигини оширишда ҳар бир ўқитувчидан таълим-тарбия жараёнини оптимал ташкил этиши талаб этилади. Дарснинг оптимал варианти деб, дарс жараёнида таълим-тарбия ва ўқувчиларни комплекс ривожланишларини таъминлайдиган, ўқувчи ва ўқитувчига ажратилган вақтдан мақсадга мувофиқ фойдаланилиб, эришилган максимал ижобий илмий-услубий ва дидактик натижалар комплексига айтилади. Буюк аждодларимизнинг бой илмий мероси асосидадарсни ташкил қилишда ҳам аниқ натижалар кўзга ташланиши, ўқувчиларда маданий муносабатларга тўғри ёндашувни ва хулосани шакллантира олиши керак. Педагогнинг асосий вазифаси ўқувчиларда ҳар қандай маданий бирликка толерант муносабатни шакллантириши ҳисобланади. Чунки ўқувчига бераладиган билим ва информацийлар эскиради, ўз аҳамиятини йўқотади. Бироқ ёндашув ва ўқувчиларда шаклланган муносабат ва тафаккур қилиш тарзи қолади. Ўқувчиларда тарихий-илмий дунёқарашни шакллантиришда мана шундай ёндашувнинг етишмаслиги, бугунги таълим тизимининг энг асосий камчиликларидан бири ҳисобланади.

³Миллий тикланиш. –Б. 367.

⁴Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А.

Таълимдаинновационтехнологиялар(таълиммуассасаларипедагог-ўқитувчилариучунамалийтавсиялар). – Ташкент.: 2008. –Б.14

Бугунги мактаб таълимида “Тарих” фанини ўқитишининг мавжуд ҳолатига кўра, барча умумтаълим мактабларида 5-синфданг 11-синфга қадар “Ўзбекистон тарихи” ва “Жаҳон тарихи” фанлари ўтилади. Шунингдек, 10-11 синфлар учун “Дунё динлари тарихи” фани ҳам ўтилади. 5-синфлар учун умумий маънода “Тарихдан ҳикоялар” номи остида тарих таълими олиб борилади ва тарихий ҳикоялар тарзида ўқувчиларни тарих фанига олиб кирилади ва босқичма-босқич ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш мақсад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 январь куни мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олдига ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш мақсадида чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди⁵. Бу орқали асл тарихни англаш, тарихий жараённинг бориши йўлини тушуниш ва ёшларда жамиятлар тараққиётидаги муаммоларни ўрганишга ундаш мавжуд эди.

Бугунги кунда умумий ўрта таълимда ўқитилаётган Ўзбекистон тарихи фани дарсликларининг мазмуни, сифати, ўқитилиш ҳолати, мазкур дарсликларда олис ва яқин тарихимизнинг ёритилиши, бугунги кун қаҳрамонлари ва уларни дарсликларда қандай ёритиб берилаётгани, тарих фанига ажратилган дарс соатлари, шунингдек, Ватанимиз тарихи фанидан машғулотлар олиб бораётган ўқитувчилар салоҳияти, билими, илмий тадқиқотларнинг ҳолати каби бир қатор муҳим масалалар юзасидан қуидаги таклиф ва тавсияларни билдириш мумкин.

Биринчидан, мактаб таълим тизимида, ўқувчилар учун электрон ва мультимедияли дастурларни ўз ичига қамраб олувчи дарсликлар ва ўқув мажмуалар янги авлодини яратиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплашга эришиш ҳамда тарих фанини ўқитишида ҳаёт билан боғлаш амалиётига кенг ўрин бериш зарур. Мазкур ишлар негизида буюк мутафаккирларимизнинг

⁵Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б. 46.

илмий меросини кенг ҳажмда ва объектив ёритиш ва бу орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш технологиясини яратиш зарур.

Иккинчидан, тарих фани бўйича фан ва таълим итеграциясини ривожлантириш, жамиятимизнинг янги тараққиёт босқичида олиб борилаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар бўйича амалга оширилаётган сиёsatнинг аҳамиятини кўrsатиб берадиган ва уни бошқаларга ўrnak сифатида намоён қила оладиган материаллар билан мактаб дарслекларини бойитиш зарур. Бу ишларни амалга оширишда буюк аждодларимизнинг илмий мероси, уларнинг крашлари ва бу вазиятларга муноурсабати, ўша даврдаги холат ва бугунги кунда тарихдан ўрганадиган жиҳатлар аниқ ёритилишига эришиш лозим.

Тарих ўқитишида таълимий жараённинг асосий ташкилий шакли дарс эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ўқувчилар дарс материалининг асосий мазмунини синфда ўзлаштирадилар. Албатта, ўқувчиларнинг тарих фанидан ўрганиши зарур бўлган билим ва малакаларининг ҳаммасини ҳам синф-дарс машғулотлари доирасига сифдириб бўлмайди. Бунинг устига тарихий билимлар, илмий ва сиёсий янгиликлар ҳажми ҳам кенгайиб, муттасил ошиб бораётган шароитда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини тизимили ривожлантириб боришлари учун синфдан ташқари мустакил таълимни йўлга қўйиш даркор. Бу жараёнда, табиийки, муайян таълимий қонуниятлар, дидактик талабларга амал қилиш лозим. Сиёsatшунос Н. Жўраев ўзининг «Тарихий хотирани тиклаш ва уни яратиш концепцияси»да таъкидлагандек, «...тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонийлигини англаш қобилияти шаклланади»⁶. Демак, мактаб таълимида тарих дарсларини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш ўқувчиларни тарихимизни яхши англашга, аждодларимиз кимлигини билишга ўргатиш, уларда ватанимизга бўлган садоқатни шакллантириш, тарих фанига нисбатан қизиқишини уйғотиш, шунингдек, ғояларни ўзлаштириш, ўzlари севган тарихий шахслардан ўrnak олиш, яхши фазилатлар, ватанпарварлик, ботирлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, мустаҳкам иродалилик сифатларини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик методини ишлаб чиқиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Ватанимиз тарихини ўрганишда тарихдаги ҳамма манбалардан—меъморчиликдан тортиб, ёзма манбаларгача фойдаланилади. Биз уларни таълим тизими, ўқувчилар ҳаётига олиб кира олсак, улар ҳақида

⁶Жўраев Н. Тарихфалсафасининг назарийасослари. –Тошкент.:Маънавият, 2008. –Б.63.

тариҳ манзарасини яққолрок кўра олиш имкониятига эга бўлардик. Бу, ўз навбатида, тариҳ фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик имкониятидир.

ХУЛОСА

Мактаб таълимида “Тариҳ” фанини инновацион шаклда, медиаимкониятлар орқали ўтилиши буюк алломаларимиз билан танишиш, уларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрнини ўрганиш натижасида ўқувчиларда ўз шахсий имкониятларини чамалаш, аниқ мақсадга йўналтирган тарзда фойдаланиш каби жараёнлар кечади. Ўқувчи ўзини шу тарихнинг бир бўлаги сифатида қабул қилиб, ўз тарихини ўзи яратиш фикри асосида тарбияланади. Шу тариқа ўқувчининг илмий дунёқарashi шакллана боради, фикрлаш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини баҳолаш, қарорлар қабул қилиш, ишига жавобгарлик ҳиссини туйиш каби фазилатлар камол топади. Шу билан бирга, бу каби методлардан фойдаланиш, ўқувчиларда буюк мутафаккирларнинг илмий меросини кенгроқ ўрганишга қизиқишини шакллантирибгина қолмай, балки уларни асраб-авайлаш зарурятини англаб етишларига олиб келади. Буюк аждодларимизнинг илмий мероси воситасида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун мактаб таълимида “Ўзбекистон тарихи” ва “Жаҳон тарихи” фанларини ўтилишида айrim жиҳатларга эътиборни қаратиш ва мавзуларни ўтилишида буюк шарқ мутафаккирларининг илмий фаолияти, мероси, илмий ғоялари ва қарашларини очиб беришга йўналтирилган ёндашувлардан ҳам фойдаланиш керак бўлади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2020. 4-жилд –Б. 159.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2020. 4-жилд –Б. 159.
3. Миллий тикланиш. –Б. 367.
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимдаинновационтехнологиялар(таълиммуассасаларипедагог- ўқитувчилариучунамалийтавсиялар). – Тошкент.: 2008. –Б.14
5. Жўраев Н. Тарихфалсафасинингназарийасослари. –Тошкент.:Маънавият, 2008. –Б.63.
6. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент.: Ўзбекистон”, 2017. –Б. 46.